

таклифларни эътиборга оли
зарурлиги таъкидланди.
Кенгашда Ўзбекистон
Компартияси Марказий Ко
митетининг секретари М. Х
Холмухамедов ва Ўзбеки
стон Компартияси Маркази
Комитети ташкилий-parti
вий ишлар бўлимининг м
дир П. В. Догонкин нут
сўзладилар.

на шунда. Ҳозир Ноқора
прок ўлка бўйича ҳам кў

қылымдарда.

җаңы тили, маданият
 миллий символгазари
 клантирин масалалар
 , биз учун бу масалалар
 бар эмас. Масалан, у
 тили, маданияти, тари
 гага булган 6 минг
 тили халк бар. Хуш, бир
 калы бу унинг тили
 кетиштига кути куйи
 керакми? Агар блатлар
 булб кета болса, бу
 тар хамма нарча текисла
 кетасеура, жулда катт
 толин, хатто жинолт бул
 . Иу, биз барча миллат
 ва маданиятларининг у
 равнак толпизин асосид
 дератив давлатлимининг
 укмаклал сари боравер
 зу. Бу-Иттифакимизнинг за
 улиг эмас, балки бойли
 тар. Республикалар ку
 бу чиқаткан купина ама
 й муаммолар хозирин
 дайдак хал этилмонда, бу
 учун" Плениум кути
 бар эмас.

[illegible]

лаклиги ҳақида ҳамма но
лар бирон-бир тараф
риб ўтдилар. Шу са
ли, рози бўлсангиз, ми
игаха шундай банди
шан бўлур эдим: «Ава
итифоддо республика
нинг сийси, социал-иқ
ий манфаатларини таъ
иш, уларнинг СССР И
қоқдаги суверен ҳу
ларини кенгайтириш ви
и қилиш учун СССР
ий Совети Миллатлар
етининг ва тузилди
и, СССР Конституци
назорат комитети
иқимониятларини қўз
итиб, сийси ислоҳот

набатдаги босқичларни таъминлашнинг асосий шартлари ҳисобланади. Ҳозирги кунда республикада қўрилган ва қўриладиган қўшма маблағларнинг ҳажми ва сифати ҳақида қўшма ҳисоблар шаклида маълумотлар берилган. Ҳозирги кунда республикада қўрилган ва қўриладиган қўшма маблағларнинг ҳажми ва сифати ҳақида қўшма ҳисоблар шаклида маълумотлар берилган.

Биз бу муҳим масалани ҳақиқат вақт ажратди, дедикларимиз. Энди биз бу масалага тушунтиришни янги позициядан кўтарилишимиз, буни қайта куриши, демократиюлаш ва ошкоралик, сиёсий раҳбариятнинг доирасида бутун Иттифоқимизни жиғлаштириши кераклигини айтиш мумкин.

Х. Холмухамедов ишти
этди.
(ЎзТАГ).

услугини ирайлик

тади, Шаҳариятия ра-
кети қишлоқ партия таш-
отларига ҳам яхши раҳ-
қилди.

у ерда аввалги даврлар-
бўлганидек, шовкин-су-

ПАРТИЯВИЙ ИШ—ИЖОДИЙ ИШ

Партия турмуши: ҳисобот ва сайлов конференцияларида

Сўнгги уч йил Балиқчи райони учун социал-иқтисодий тараққиёт планларини бажариш, sanoat, қишлоқ ҳўжалиги ва маданий қурилишга партиявий раҳбарлиқни таъминлаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва иш сифатини яхшилашнинг янги-янги резервларини ҳаракатда келтириш йиллари бўлди. Районда sanoat маҳсулотини ишлаб чиқариш анча кўпайди. Уй-ҳўжарини ва фойдаланишга топшириш уч йиллик плани 112 процент бажарилди. Янги тартибда 25 минг квадрат метр уй-ҳўжар қурилди.

Чорвачилик маҳсулотларини еттиштириш 33 процент ўсди. Аҳолидан қорамол сотиб олиш ҳисобига план бажаришга чек қўйилди. 1986 йил чорвачиликдан 269 минг сўм, 1987 йилда эса 529 минг сўм соф фойда олинди. Район пиллакорлиги уч йилда давлатга 1378 тонна «кумш тола» армуни етказилди. Бу плангадан 323 тонна кўп. Дон еттиштириш уч йиллик плани 117 процент адо этилди. Дон ҳосилдорлиги 14,6 процент, шу жумладан маккашўхори дони ҳосилдорлиги 14 процент ўсди.

Балиқчи район партия ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган конференциясида

ана шу соҳадаги ишлар принципларини, танқид ва ўз-ўзини танқид асосида чўқур таҳлил қилинди. Партия-ишларини янгида яхшилашга қаратилган фойдалар фикр ва мулоҳазалар билдирилди. Район партия комитетининг биринчи секретари Б. Раҳмонов райкомнинг ҳисобот давридаги фаолиятини тўғрисида доклад қилди.

Ҳисобот даврида Советлар, касаба, союз, комсомол, халқ контроли ва бошқа жамоат ташкилотлари фаолияти партиявий раҳбарлик бирмунча яхшиланди. Қадрлар билан ишлаш, оммавий сиёсий ва идеологик ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилди. Ҳарбий-ватанпарварлик, атеистик ва интернационал тарбия ишларини таъминлаштириш чора-тадбирлари кўрилди.

Докладчи ва нотиқлар ҳисобот даврида ўз сафига 3700 коммунист, бирлашган 116 та бошланғич партия ташкилотига партияга қабул қилишда разнарядка усулига бутунлай чек қўйилганли-

гини таъкидлади. Партия сафига қабул ва уларнинг сифат составини яхшилашда КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент области партия ташкилотининг ишдаги жиддий камчиликлар тўғрисида» қарори асосида иш олиб боришмоқда. Бошланғич партия ташкилотларининг жамоаварлик қўриғига, коммунистлар аттестациясига масъулият билан ёндашилди. Янги тартибда суҳбат ўтказилган 510 коммунистдан 86 нафари аттестациядан шартли равишда ўтди, 7 нафари эса аттестациядан ўтмади.

Конференцияда партия турмуши нормаларини қўполавишда бузганлиги учун 50 нафар коммунист партия сафидан чиқаришга асос бўлиб қўйилди. Улар орасида раҳбар кадрлар, шунингдек райком аъзолари ва аъзолик кандидатлар бор. Қўйиб-чиқариш ҳисоботида турган М. Умаров, М. Горский номли совхоздан А. Камолдин, парандачилик фабрикасида К. Ортиков, Охунбобоев номли колхоз-

дан А. Набиев, К. Маркс номли колхоздан М. Қўнонбоев ва бошқалар бошланғич партия ташкилоти билан алоқани узганлиги ва аъзолик бадалини изчил тўлаб бормаганлиги учун партиядан чиқарилиди.

Кейинги уч йилда 53 коммунистга ўз вазифасига совуқонлик билан қараганлиги учун қатъий партиявий жазо берилди. Шундан 22 нафари раҳбар ҳодимлариди, 32 коммунист спиритли ичимлик ичиб, транспорт воситаларини бошқаргани ва майда безорилик қилгани учун ички ишлар бўлими рўйхатига тушди. Чинобод пахта тозалаш заводининг собиқ директори А. Қўлдошев, «Пахтакор» колхозининг собиқ баш бахталери Б. Зайнобидинов, район агроном-ат биришмасининг собиқ баш агрономи В. Ғофуров ва бошқалар ичкиликка берилиб кетганликлари учун қатъий партиявий жазо олдирлар ва ишдан бўшатилдилар.

Нотиқлар ўз ишга виждон қарамайдиган, бурч ва масъулиятини унутиб қўйган, раҳбарлик лавозимига тасодифан кўтарилиб қолган

тади. Район партия комитети бюроси бошланғич партия ташкилотларини қабул қилган 14 та қарордан қўйимас ва беғор қилди. Райком ҳодимлари партия ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатиш, уларнинг жағоварлигини оширишда ҳаминча ҳам етарли иш олиб бормаётдилар. Конференцияда суҳбат чиққан район касалхонаси бошланғич партия ташкилотининг секретари А. Раҳмонов шу ҳақда гапирди: «Биз теъдда райкомга етиб келинг», деган телефонграммалар олиб турамиз. Зарур ишни чала қолдириб келсангиз, оддий бир ҳужжатга қўл қўйдириш ёки арзиматган бир иш билан қачирган бўлишди. Бир кунда райкомга икки марта-маъ қабул қилишнинг айтимай қўйиб қолди.

Коммунист Г. Лўгайнинг нутқини конференцияда катташчилари алоҳида эътибор билан тингиланди. У «Москва» колхозининг янги бошланган раиси. Ҳўжаликда чек системасининг жорий этилиши яхши самара берди. Колхоз бир йилдаёқ барча қарзлардан қутулди. «Ташаббуссиз яшаб бўлмайди», — деди нотиқ. — Лекин райком ҳодимлари ҳўжалик ишларига алоқасиз, ташаббусининг қанот ёйишига ҳалат бериштиради. Нотиқлар ҳақ гапни айтишди. Райком ҳодимлари бўлар-бўлмаста чиркаварадилар.

Охунбобоев номли колхоз партия ташкилотининг секретари Т. Мамажонов ҳам қачир-қачирлар қўйиб кетганлиги, райком ўз иш планига қатъий амал қилмаётганини танқид қилди. Чинобод пахта тозалаш заводининг ичмаси М. Абдуллаев, район партия комитети агитация ва пропаганда бўлимининг мудири М. Ғўрмонов, «Партия XXV съезди» колхозининг сўт сўғувчиси Ж. Эрмонкулова, нотиқча материаллар фабрикасининг ичмаси М. Имомалиева, «Ленинград» колхозининг бригад бошлиғи Т. Акбаров, Ленин номли колхоз сўт сўғувчиси Ф. Раҳимов, район комсомол комитетининг биринчи секретари М. Халилова ва бошқа нотиқлар партиявий ишда ижодкорлини кучайтириш, социалистик мусобақа таъсирчанлигини ошириш, ҳўжалик раҳбарлари, мутахассислар, комсомолларнинг роли ва обрўсини кўтариш, кадрларга таъйин ўтказишга чек қўйиш, хотин-қизларга нисбатан ҳамхўр бўлиш, меҳнат шарафларини яхшилаш ҳақида истаклар билдиришди.

Делегатлар район партия комитетининг фаолиятини кўриқлари тоғиб, тегишли қарор қабул қилдилар, район партия ташкилотининг раҳбар органлари ва област партия конференциясига делегатлар сайладилар.

А. ҚУРОНБОВЕВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

Ҳамза номидаги Академик драма театрининг 70 йиллигига

● 1 декабрда халқимиз, кенг жамоатчилик, маданият аҳли Ҳамза номидаги Ленин орденли Ўзбек давлат Академик драма театрининг 70 йиллигини нишонлайди. Шу муносабат билан биз билан арасида театрининг ташкил топиши, шаклланиши, ижодий босқичлари, тараққиёти ҳақида ҳикоя қилувчи мақолани эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Ҳамза театри жуда бой тарихга, халқчилик, ҳаётини аниқлашга, реалистик актёрлик ва режиссёрлик санъатига эга. У жуда кўп санъат арбоблари ижодийнинг муштарак дорифундуридир. Театр шаклланишидаги илк қадамлардан то халқ ижодий кудрат касб этиб, монолит коллектив бўлгунча қадар турли босқичларини босиб ўтди.

Революция йилларида ҳаваскорлик тўғрисида ташкил топган қадимий театр «Турон» деб аталган. 1918 йил 3 ноябрда унинг расмий охири бўлиб қолди. Шу кунги шоир ва маърифатпарвар Ҳамзанинг «Заҳарли ҳаёт» асари кўрсатилди. Тантанали ўтган бу кечда ҳукумат вакиллари, эски ва янги шаҳар маъмурий идоралари ҳамда касаба союз ташкилотларининг масъул ҳодимлари қатнашди. Ҳарбий комиссарлар — Самодуров, Финкельштейн ва эски шаҳар ижроия комитети раиси Низоиддин Хўжаев ижтимоий-маданий ҳаётда янгилик бўлиб оқиб келган ўзбек совет театрини, спектакль томоша қилишга йиғилган кўп сонли кишиларни таъриқлаб, нутқ сўзладилар.

1919 йилнинг бошида худди шу гурӯҳга замирида Маннон Уйғур Карл Маркс номидаги труппани ташкил қилди. Кўп ўтмай унинг шаҳар маорифи ўз қарамонига олади. Труппа асосан А. Ҳидоят, Ф. Умаров, К. Ёнузов, М. Муҳамедов, Е. Бобононов, М. Қориева, О. Жаълилов, С. Олимов, З. Саид каби талантли ёшлардан иборат эди.

Уйғур труппанинг ташкилий ишлари билан бир қаторда репертуар ташкилоти ҳам жиддий иш олиб борди. Янги театрининг репертуари янги замон талабига жавоб берадиган, халқини ичкилик руҳида тарбиялаш ишига ҳисса қўшадиган асарлардан тўзунлиш керак эди. Уйғур бу масалада Ҳамзанинг «Ўлка сиёсий труппаси» си издан бориши ва унинг репертуарида эрғашини бирдан-бир тўғри қўл деб тушунарди, нунодай қилди ҳам. 1919 йилнинг 22 июнида «Бой ила хизматчи» асарининг премьераси бўлди. Бу йилларда Уйғурнинг ўзи ҳам эски дин вакиллари таъқид қилган «Туркистон тоғи», «Ўн киби соатлик ҳокимият» каби пьесалар ёзиб, труппасида саҳналаштирди. Демак, К. Маркс номидаги труппанинг ташкил топишида, унинг бадиий ва фовий йўналишида Ҳамза ва Уйғур ўрнатишда ижодий ҳамкорлигининг роли катта бўлди.

Труппа 1919—20 йиллар, яъни граждандар уруши йилларида Туркфронт сиёсий бўлими йўлнамаси билан Октепа ва Фарғона фронтдаги қизил қўшин қисмларига хизмат қилди. Бу эса бадиий коллективнинг фовий сиёсий йиғилган мустаҳкам ланишида муҳим аҳамият касб этди.

1921 йилда К. Маркс номидаги труппа замирида Маннон Уйғур бошчилигида Биринчи ўлка ўзбек давлат намуна труппаси ташкил топили. Коллектив 1921—24 йилларда Г. Зафарийнинг «Халима», Чўлпоннинг «Хали фаранг», Хўршидиннинг «Фарҳод ва Ширин», Ф. Шайхнинг «Макр ва муҳаббат», Хўсайн Жўннинг «Шайх Санъон», «Иблис» асарларини саҳналаштира-

ди. Рус драматургиясига мурожаат қилиб, «Марат», «Урушда» деган спектакльлар яратди.

1925—27 йилларда театр ўз ривож босқичининг янги палласига қадам қўйди. Бу йиллар ўзбек актёр, режиссёрлари учун рус ва озаббайжон театри таъриқли раҳбарларини ўрганиш даври бўлди. Бу соҳада 1924 йилда Москвада, 1925 йилда Бокуда ташкил этилган театр студиялари бениҳоя катта роль ўйнади. Уларда М. Уйғур бошчилигида ёш, аммо талантли, истеъдодли шундоқ гўрираб турган йигирма тўрт санъаткор таъсир қилди. А. Ҳидоят, Е. Бобононов, Л. Назруллаев, Х. Латипов, С. Эшонтураев, С. Табибуллаев, Т. Саидимовалар ана шундай ёшлардан эди. Ҳ. Носирова, С. Алимов, З. Қўболов ва бошқалар Бокуда, М. Ф. Охундов номидаги театр техникуми қўшиқдаги ўзбек студиясида ўқидилар. Талабалар 1924—27 йилларда рус домаллари раҳбарлиги ва ёрдамида Мольернинг «Хасис», Б. Белокорскийнинг «Акс садор», Гоголининг «Ревизор», К. Гоццининг «Маликан Туркунот», Чўлпоннинг «Ерқиний» асарларини таъриқлаб, саҳналаштириб қайтидилар. Шу тариқа, ҳозирги кунларда ҳам муваффақиятнинг давом этаётган ўзаро ижодий алоқа ва ҳамкорликларга пойдевор қўйилди.

Игирманчи йилларнинг охири, ўттинчи, қиркинчи йилларда театр санъатининг барча соҳаларида олға бериш, кўтарилиш юз берди. Москва ва Бокуда таълим олган актёр ҳамда режиссёрлар марказий ўзбек давлат драма театрининг асосий негизини ташкил қилдилар. Худди шу даврда саҳна санъати юксак даражадаги «Ўлка сиёсий труппаси» асарларини таъриқлаб, саҳналаштириб қайтидилар. Шу тариқа, ҳозирги кунларда ҳам муваффақиятнинг давом этаётган ўзаро ижодий алоқа ва ҳамкорликларга пойдевор қўйилди.

Актёрлик ва режиссёрлик санъати юксак талабларга жавоб берадиган даражада эди. Театр репертуарида саҳнасида алақачон қўйилган ва томошабинлар қизиқ билан кўраётган спектакльлар ҳам пайдо бўлди. Масалан, В. Ивановнинг «Вронепоезд 14-69», Д. Фурмановнинг «Исён» асарлари асосида ишланган драмалар ана шундай ижод намуналаридан эди. Бу асарлар қаторига К. Яшиннинг «Икки коммунист», «Видирамиз», «Номус ва муҳаббат», Фитратнинг «Арслон», Чўлпоннинг «Мушмузур», З. Саид ва Н. Сафаровнинг «Тарих гилга қирди», У. Исмоиловнинг «Пахта шумиғари», З. Фатхуллиннинг «Никоб йиртилди», «Сотқинлар» пьесалари асосида яратилган спектакльлар қўйилди. Худди шу йиллари Ҳамзанинг ана билим касб асарини «Халисаси» саҳна-

лаштирилди. Кўриниб турибдики, коллектив жуда масъулиятли ишларга қўл урган. Бу журтда, дадиллик санъаткорларини янада тоблади. Режиссёрлар иш жараёнида рус ва жаҳон театр санъатининг энг яхши, энг прогрессив аъёналарига, айтиб вақтда халқ санъати замирида яшаб келаётган миллий аъёналарга таъйидилар. Актёр ва актрисалар эса, машҳур ижроичларнинг таъриқларини эримай пухта ўрганидилар. Шу боисдан томошабинларнинг сезимли асарига айлган, театр маданиятимизга ўзига хос ҳисса бўлиб қўйилган спектакльлар сонини янада ортиди.



СУРАТДА: Бирини йигирма тўқтинчи, иккинчиси ўттинчи йилдан бошлаб театрда ишлаб, унинг шаклланиш, ривож ва раванклиги

1935 йилда театр В. Шекспир ижодига мурожаат этди. Маълумки, бу буюк драматург ижодига мурожаат қилиш ва унинг асарини асосида спектакль яратиш го-ялда масъулиятли. Ишга киришиш учун аввало етарли таъриқлаб, қолаверса, муносив иктидор зарур. Ҳамза-чиларда ана шундай ижодий ишлар билан бор эди. Шунинг учун ҳам улар улғур драматургиянинг «Гамлет» асарини кутиланим ҳарокини қилиб саҳналаштиришди. Ўзбек ижодий интеллигенцияси вакиллари премьерала иштирок этиб эканлар, коллективни аjoyиб ғалаба билан таъриқладилар.

«Гамлет» узоқ вақт репертуардан тушмади. Асар жуда кўп санъаткорларининг ижодий жиҳатдан шаклланишида, ўсишларида муҳим роль ўйнади. Худди шу спектаклда эришилган ютуқ В. Шекспирнинг бошқа асарлари ҳам ҳеч қандай маъна, дадил мурожаат қилишга асос бўлди, десак хато қилмаган бўламиз. Турли йилларда драматургининг «Ромео ва Жульетта», «Отелло», «Вероналик икки йил», «Юлий Цезарь», «Нирот Лир», «Кориолан» сингари оламга машҳур драма ва трагедиялари ҳам саҳналаштирилди. Бу спектакльларнинг ҳар бири театр санъатимизда воқеа бўлган. Буюк актёрларимизнинг бетақор ижрочилиги ана шу асарлар муваффақиятини таъминлади. Шу ўринда Абдор Ҳидоят ва Шуккур Бурхоннов номларини алоҳида фахр билан тилга оламиз. Улар яқинда Отелло ва Брути ҳеч биримиз, ҳеч қачон унутмаймиз. Бу образлар талқинидаги маҳорат ёшлар учун ҳаминча илҳомбахш мактабдир.

1937—38 йиллар театр учун оғир йиллар бўлди. Шаҳста сиғиниш даярининг оғир жароҳатларини бошдан кечириш тўғри келди. Театр раҳбарлари М. Уйғур ва

Е. Бобононов туҳматга учуради. Халқ душманлари билан алоқада айбаниб, театрдан четлаштирилдилар. Адабий эмалхон шоир, драматург Чўлпон қамоққа олинди. Кўп спектакльлар репертуардан олиб ташланди. Ҳақ, адолат тантанга қилгунча театр ижодий саросимада яшайди.

Улғур Ватан уруши йилларида бошқа ижодий коллективлар қаторида театр ҳам бутун фаолиятини душман устидан ғалаба қозонишга қаратди. Ватанпарварлик мавзусида спектакльлар яратиб асосий шир қилиб қўйилди. Драматурглар билан алоқа янада кучайтирилиб, махсус буюртма бўйича асарлар ёздириб олинди.

«Хуррият» (Уйғун), «Юрак сирлари» (В. Раҳмонов), «Имон» (И. Султон) спектакллари алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. Театр тарихий-инкилобий, шунингдек, уруш темасида янги асарлар яратди. К. Яшиннинг «Генерал Раҳимов», «Ҳамза», «Йўлчи юлдуз», «Ичкилоб тоғи», Назир Сафаровнинг «Шарқ тоғи», Ойбекнинг «Кутлуг қон» пьесалари ана шундай ишлардан эди. Коллектив «Йўлчи юлдуз»ни саҳналаштириб экан, ўзбек театр санъатига биринчи бўлиб ўз ленинчиллигини бошлади. Саҳнада Табибуллаев таъкид этган дохил образини томошабинлар катта қизиқиш, зўр муҳаббат бил-

ди. Ҳамза театри Улғубекка муносив спектакль саҳналаштирган коллектив сифатида ҳам қадрилли. М. Шайхзода асарини асосида ишланган спектаклда халқимизнинг XV асрда маданият ва илм-фан соҳасида эришган ютуқлари чуқур фалсафа, билан тасвирлаб берилди. Шу ўринда Ҳамза театрининг буюк аждодаларининг ҳақида ҳикоя қилувчи турмуш спектакллари таъкидлаб ўтиш жоиздир. Театр кадрлари Уйғуннинг «Абу Раҳмон Беруний», «Забунисо», «Абу Али Ибн Сино» спектакллари ана шундай ишлардан бўлиб, тарихимиз, фан ва маданиятни мийдазлари тўғрисида ҳазирги авлодга ҳикоя қилиб беришда муҳим роль ўйнади.

Худди шу давр театрда комедия жанрининг кескин ривож топиши билан ҳам халқ таъриқлариди. Бу йилларда Абдулла Ҳаққорнинг «Шоҳи сузани», «Оғриқ тиллар», «Тобутдан товуш», «Аяқоларини» каби сатирик комедиялари саҳналаштирилди. Уларда ҳаётимиздаги нуқсон ва кусурлар илғийди қилинди. Театр саҳнага қўйган «Қалъис хазина», «Парвона» (Уйғун), «Тоғ-янги-девор» (Э. Воҳидов), «Келинлар кўзголини» (С. Аҳмад) комедиялари ҳам жанр раванқида ўзига хос эъланди. Олтинчи йилларда Ҳамза театрига публицистик жанр кирди. Бу ўринда драматург Сарвар Азимовнинг «Қонли саҳро», «Юлдузлар жамоли», «Замон драмиси» пьесалари алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Маъзур асарларда илғари ўзбек драматургиясида қўл урилмаган мавзулар кўтарилиди.

Ҳулоса шуки, Академик драма театрининг узоқ ва шундай йўлни босиб ўтди. У совет санъатининг асосларини, партиявийлик ва халқчилик принципларини қарор топтиришда, янги одамнинг шаклланиши, унинг фовий-эстетик тарбиясида муҳим ҳисса қўшмоқда. Халқ билан бирга яшаб, унинг фикр ва тўғриларини, ифодаловчи, унга инсонийлик ва нафосат фанидан сабоқ берувчи ўзига хос граждандлик мактаби бўлиб танилди. Ҳамза театри етмиш йилдан буюн ўз саҳнасида ватанимиз, халқимизнинг тарихи, инкилобий кураш, янги дунё ва социализм қурилишидаги қаҳрамонликлар, курашлар, ғалабалар, энг муҳими, энг юксак, энг зўр тўғрилар, темалар тўғрисида ҳикоя қилиб, миллионларнинг ҳаёт уфқида ёруғ нур таратди. Ишончимиз комилки, у келгусида ҳам ана шундай олижаноб фаолиятда янгидан-янги зафарлари қўлга киритади.

Мамажон РАҲМОНОВ, санъатшунослик доктори.

ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Орол денгизи районида экология ва санитария вазиятини тубдан яхшилаш, Орол ҳавзасида сув ва ер ресурсларини фойдаланиш, самарадорлигини ошириш ҳақида уларни муҳофаза қилишни кучайтириш чоралари тўғрисида»ги тарихий қарор.

Утган асрларнинг жонли гувоҳи бўлиб келаётган Орол онадай қадрланмоқда. Халқ тараққиёти гувоҳи, замонар гувоҳи Орол биз билан ҳамнафас яшаб келаётган.

Урта Осиёнинг ёқ кўрагинда, Орол арслондай ётар тўш уриб, Осиёга отилган тўқилларда Олтин балиқ сўзган ингил яшариб.

Орол алғов-далғов, остин-устини, Қонли урушларни кечирди босдан. Табиат қўйлаб оғат тўқини, Иродаси бўлди тоғдаги тошдай.

Қирғин уруш бўлиб, барқ қирилди, Кетса-да, кетмади халқ бу Оролдан. Очарчилик — охири замон кўрилиб, Кетса-да, кетмади халқ бу Оролдан.

Қорақалпоқ, қозоқ, ўзбек ва туркман, Орол деб туршиди, бўй-бастини чоғлаб. Ёвга қарши юршиди елкама-елка Қайтишди, юртига уни сўроқлаб.

Орол соҳилларида, Аму-дарё билан Сир бўйида лаштан халқлар узоқ замонлардан бери болимларга қарши қаҳрамонликлар кўрсатиб кўн-бугилди, суви каймади. Ойи-риш йилларида қўлни қўлга бўлиб, ҳамларда, ҳамфирк бўлиб меҳнат қилишмоқда.

Сув келарди қўлпоқларда тўқилди, Халқимизнинг қўли темир эшилди, Асларкин жўшиб оққан Аму, Сир, Аввалгидай эмас энди қисқилди.

Ўнг ёнги ўнг тиклонлар санчилиб, Сўл ёнги сўл тиклонлар санчилиб, Жазоратдан жабрналиб жонлар, Сув каймади мотамли ном қўйилиб.

Аму, Сирининг суви эса бўлқинди, Яралганлар арслондай юлқинди, Асов тоғга солингандай тушувлар, Жимби қолди тўлиб тошган тўқини.

Сел-сел оққан сувлар қолди қўлдураб, Тўқин тинди, оқар эди гулдураб, Тўқиб-тўқиб оқиб қайда, йўқ бўлди, Сув борми, деб ер тамшини мўлтираб.

Нурли Оролнинг, меҳрибон Оролнинг, қувончимиз бўлган Оролнинг нур туғдай қўниб, қўнишга бош қўйгани, алоҳида жонимизни ачинади. Илгарилар Оролга шопилиб борар эдик, қувончимиз қўқимизга сийма қайтардик. Орол балиқлари, унинг бебаҳо ҳайвонот дунёси жаҳон бозорига биринчи ўринларда туришини кўриб,

кўнглингиз кундай ёришар эди. Энди эса Оролга сайқал бериб, тўқини айириб юрган кемаларнинг кумларга қўйилиб етганини кўриб қауғуларга чўмсақ янши. Онамиздай меҳрибон Оролни сайқал қолмоқлик учун ҳаракат қилмоқдалар. Демак, нурли Орол тўқинларига чағалайлар ана тўш уриб қанот қоқадилар.

Оролимиз одамларнинг оҳу зорини оқлаган, Оролимиз одамларнинг ор-номусини сақлаган.

Ер онаси, эл онаси Орол деган отинг бор, Тўқиниқандан бўлар минглаб фавворалар ошкор.

Тўқиб-тошиб оқсанг оқ ёл тўқинларинг ёлқиндир, Бугун ўша соловчанли суварлигини соғиндим.

Эл соғинди, мен соғиндим, қўшларинг чағ-чағларини, Қани ўша балиқларинг, ҳамон эспайман барини.

Қайга кетди, қўноғидага ўсиб унган қўндўлар, Қайга кетди, қўноқ ёзган жасур йигит, шўх қизлар!

Барқ, барқ кетиб қолди, бошқа ёққа бош буриб, Оқинг тўнлар фиғон чечар, асов қўнлар тош уриб... Сенинг ушбу аян ҳолинг юрғамизни яраси, Эя сўкини Орол, сенки кўзимизнинг қораси.

Қўнма ботиб қирда ётар қайқиларга кешлар, Миллионларнинг муҳаббат сехрларга тўта зар. Қизил гўлга тўқимиз кўриб қолган кўр бошини, Муқаддас, деб сема тоғдан болаларнинг кўз ёшини.

Нурли Орол, зўрдининг, то бор жаҳон сайқалимиз, Авлодларнинг уқри учун сени омон сайқалимиз, Улғур Ленин ёзган мактуби мени асрини муқаддас, Нурли қўнлар, оқини тўнлар бизга омон бўлса бас.

Мавжлар уқри кўнка саврар тўқининг қатор-қатор, Бугун сенинг қўнлигингда қўнлар шўви, қўнлар бор. Нурли Орол, сўзим шўқини, танқомасан дунёда, Асрав учун севм халқини муҳаббатини энди.

Қорақалпоқчадан ФАРИД УСМОН таржимаси.

Ягона оилада ХАМДУСТЛИК РЕЖАЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

26 ноябрь куни Тошкентда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон маданият министрилари ҳамда театр арбоблари соҳибдорлари билан раёнкуларнинг янги кингш тузилганлиги унинг яқини бўлди. Учрашувда маданият масалалари ва уларни ҳал этиш йўллари асосида миллийлараро муносабатларни ривожлантириш муаммолари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон вакиллари биргаликда ҳаракатлар пиланини ишлаб чиқдилар. Жумладан, пайчиллик асосида полиграфия базисини барпо этиш кўзда тутилди. Бу эса махсус нашлашлар, шу жумладан драматургияга доир ахборотни кўпроқ босиб чиқариш имконини беради. Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон миллий театрларининг ўзаро гастролларини яхшилаш йўллари белгиланди, қардош республикаларнинг пойтахтларидагина эмас, шу билан бирга майда миллий театрлар — уйғурлар, қорейлар, немислар, қрим-татарлар, месхетлик турклар ва бошқалар ўзаро гастролларини ўтказишнинг конкрет муқддатлари аниқлаб қўйилган.

Театр олий ўқув юрталарида ва хореография билим юрталарида ёш кадрларни биргаликда тайёрлашнинг кенгайтириш — учрашувда айтилган ҳамда маълумланган тақдирлар жумласидир. Тошкент театр ва рассомчилик институти коллективининг намунаси шу жиҳатдан юксак ҳолатда. Бу институтда ҳозирдаёқ ихтисослаштирилган туркман курси ишларини олиб боради. Ҳар йили регионал балет фестивалини ўтказиб туришга қарор қилинди, бу фестивални йилнинг бўлиб келгуси йили Душанбе боғлаб берилади. Режиссёрлар, балетмейстерлар, драматурглар, таъкидчиларнинг кўшма семинарларини ўтказиш муқддатлари белгиланди, театр олий ўқув юрталари ҳамда билим юрталарини биттириб чиққан кишиларнинг энг яхши диплом ишлари кўриқлари ўтказиб туриладиган бўлди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳузурида социал-иқтисодий комиссия ҳам ташкил этилди. Иқтисодий соҳада регионал иқтисодий уй ва пионерлар лагери қурилиши тўғрисида эришилган аҳдома шу комиссиянинг биринчи қадами бўлди. (ЎЗТАГ).



Набатдаги Бутунитифоқ аҳоли рўйхати келгуси йил январь ойига мўлжалланган. Лекин тоғли районлардаги тор йўлларда ёз фаслида ҳам ўтиш анча мураккаблигини ҳисобга олиб, Сарновск районидан узоқ тоғли

қишлоқларда шу кунларда рўйхатга олиш бошланди. Суратда: ҳисобчи Р. Давлатов кўп болали Аюбовлар оиласида оила аъзоларини рўйхатдан ўтказмоқда. И. ХУЖАЕВ фотоси (ЎЗТАГ).

• Янги шеърлар

ТАЪЗИМ

Кўбига тенглайман, онажон, сизни,
Кўбидир аввало ҳаётинг боши.
Ва лекин онгимиз, шуғримизни
Эртанг онинг мейр кўбиди.
Шу босиб айтиб мен дилдан розим —
Онажон, мен сизга қиламан таъзим.

Менинг эшитганим энг гўзал кўшк
Бешимга тебратиб айтган алангиз.
Иш қадам босганда юракдан жўшиб
Чексиз қувончларга тўлган паллангиз
Тасвирлашдан оқиб ҳар қандай назм —
Онажон, мен сизга қиламан таъзим.

Мени оқ юзидингиз, оқ тарадингиз,
Йўлимда юзларга сиз бағордир.
Қўнуч, ташвишмга сиз ярадингиз.
Мени асрадингиз не бағордир,
Бугун мағмур янграган экан овозим —
Онажон, мен сизга қиламан таъзим.

Кўзин қанаширар тоғлар анжир,
Самовий кенгликка талпинар юрак.
Дилни яратганда қўнқилар қор,
Инсонга сизчалар бўлмас тирек.
Сиз билан жарангдор қўнқилар сизим —
Онажон, мен сизга қиламан таъзим.

КАРВОН КЕЛАР

Елкасига тоғдек «Оқ олтин» ортиб,
Пўлат суюрғилар юлловини тортиб,
Кўз илгасма йўлда сафлар батариб —
Карвон келар ойдин йўлларда.

Баҳор селларига кўкраги қалқон,
Саратон тинида бўлиб соёбон.
Ҳар битта нўқолга фидо этган жон,
Дехон келар ойдин йўлларда.

Она ер бағридан ундирилди зар,
Пахта қайноқда кўндалди зафар.
Улкан қирмонлардан берганча хабар,
Сарвон келар ойдин йўлларда.

Пахтадан мунавар ўлкам чирой,
Уни босиб кўзга зафарлар ойи,
Ҳосил бўлса шундай бўлсин қирой,
Полвон келар ойдин йўлларда.

В а қ т

Йўлда кўларим нигорон,
Юрагим этиқар бетоқат.
Вақт секин ўтди мунча ҳам
Кутганда имиллар у фақат.
Келди у. Чехралар ёришди,
Еришди қалбларда садоқат.

Энди вақт мунчалар шошмасе,
Мунчалар бўлмасе бешафқат.

Мен урушни

кўрмаганман

Мен урушни кўрмаганман,
Истамайман кўрмиш.

Қайси малъун бошладийкин
Энг аввало урушим.

Кўрганим йўқ ва лекин

Урушдан яра бағир.

У туғайли қанча-қанча

Мендек отадан сағир.

Файз ШОҲИСМОИЛ.

АХБОРОТ

Пионернинг сезирлиги

Жалолқудуқ районидagi 25-мактаб ўқувчилари шопининг равишда қақчилган таънавларни динийда тўғридан-тўғри эшитиб, бу ҳақда катта ёшдаги кишиларга хабар беришга шайлиди. Қўшниси Набижон Исмолов станицага кўнжик қилганча, пионер қўлида қизил галстук кўтариб темир йўл полотносига қайтди — тез орада пассажир поезди ўтиши керак эди. Машинист сигнални ўз вақтида қўрди ва тўхтади, айни пайтда унга рақия орқали йўлнинг носозлиги тўғрисида хабар келди. Пионернинг бундай сезирлиги ноҳуси воқеанинг олдини олди.

У. САКОНОВ,
ЎЗТАГ мухбири.

Икки қиз, бир ўғил

Иштихон районидagi «Янгикиш» совхозининг Чилқорғон қишлоғида яшовчи Элоб Мустафоев хонадонидида қувончли воқеа юз берди. Унинг рафиқаси Озода қизидида икки қиз ва бир ўғил кўрди. Врач ва акушерларнинг таъкидлашича, чақалоклар соғлом, улар ўзларини

яхши ҳис этишмоқда. Мустафоевлар оиласида фарзандлар сони бу билан 6 нафарга етди.

Шу кунги райондаги «Муродобод» колхозининг аъзоси Замира Тўраева ҳам эгизак қизалоқли бўлди.

У. САИДОВ.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

«Ўқитувчи» нашриёти кундаги китобларни босмадан чиқарди.

Қ. Ахмеров, А. Жалилов, А. Исмоилов. Умумий ва анорганик химия. 328 бет. Баҳоси 1 сўм.

Дарсликда умумий ва анорганик химиянинг назарий асослари ва қисман амалий масалалари ёритилган. Китоб химия технологияси ихтисосликларига бў-

йича таълим олаётган олий ўқув юрталари талабалари учун мўлжалланган.

М. Исмоилов. Ҳисоблаш методлари. 400 бет. Баҳоси 1 сўм.

Қўлланма университетлар, педагогика институтлари ва олий техника ўқув юрталарининг «Ҳисоблаш методлари» курси материаллини ўз ичига олади. Китобда ҳозирги замон ҳисоблаш мате-

матикасининг ютуқлари ўз аксини топан.

Ж. Бекмуров. Қрим татар халқ оғзаки иқодиёти. 280 бет. Баҳоси 85 тийин.

Бу дарслик қрим татар тили ва адабиёти филология факультети бўлими студентлари учун мўлжалланган.

Ю. Азаров. Оила педагогикаси. 272 бет. Баҳоси 55 тийин.

Бу китоб тўрт бобдан иборат, унда «Оилавий тарбия масалалари юзасидан бизда ва чет элларда нималар ҳа-

қида бахшланганлиги». Шахс қандай камол топади, «Хар томонлама ва гармоник ривожланиш». «Хар соатдаги педагогика» ҳақида сўз юритилди.

Авторлар коллективи. Моҳир қўллар. 64 бет. Баҳоси 25 тийин.

Мақтабга тарбия мусасаларида болаларга меҳнат тарбияси бериш учун мўлжалланган бу қўлланма 4 қисмдан иборатдир. Қўлланмага хилма-хил расмлар ҳам илова қилинган.

«Шафқат». 18.25 — Ангилликлар. 18.30 — Қишлоқ ангилликлари. 19.30 — Музикали кинос. 20.00 — Ритмик гимнастика. 20.30 — Хайрли туш, кичинотлар! 20.45 — ...16 ёшча ва ундан катталар. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш проектори. 22.15 — «Юртдошлар». Вадий фильм. 1-серия. 23.20 — Ангилликлар.

ЎЗТ-1. 14.50 — Телефильм. 15.10 — «Дурангиз ўйини». Вадий фильм. 16.45 — Ҳар бек совет адабиёти. 17.15 — Телефильм. 17.45 — Войчеклар. 18.10 — Ёшлик. 18.45 — Элга

хизмат талиб ва тақсир. 19.30 — Адиёти аёллари. 20.00 — Ахборот. 20.15 — Фаластин: кураш ва умид. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Тошкент давлат консерваторияси — 50 ёшда. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш проектори. 22.15 — Инсон ва қонун. 23.05 — Эртага — премьера.

ЎЗТ-11. 19.30 — Биринчи лига эришлар номадларини ўртасида волейбол. 20.00 — Фарзандларнинг йўли. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш проек-

тор. 22.15 — «Оқ неча». Вадий фильм.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Қўшниси сизга армуғон. 9.30 — Артист Т. Муродов кўндалди. 9.45 — Қайта қуришга — ангиллини идеологияси. 12.10 — Ишчинома. 12.30 — «Леопольд». Хикоя. 12.50 — Қонунда А. Холтожиев чақалди. 13.00 — Ўзбекистон чорвадори. 13.30 — «Земляни» ансамбли ижро этади. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун

«Ўз номи билан атасак» номли мақолани ўқидимиз, бундан уч-тўрт йил илгари қалбимга эитиб олган солтан бир воқеа яна ёдимга келди. Хизмат юзасидан бир нуфузли ташкилотда анкета саволларига жавоб бераётганим. «Турар жойингиз» деган саволга тўлиқ жавоб даятарганимдан кейин котиба «амаки, қишлоқ Советларини» «Аччи... аччи-а?!» деди қайта сўраб.

— Ха, қишлоғимиз «Аччи» деб номланади, лекин... Кейин ўйлаб қолдим, назаримда, котиба кесатиброқ гапиргандай бўлди. Дарҳақиқат, турғулини даври кўп соҳаларга соя солганидек, маданият қурилишлар ва унга ном беришда ҳам ўзини қолдириб. Қишлоқнинг «амаки» билан мумтоз халқимизнинг узоқ ўтмишини акс эттирувчи тарихий номлар ўзгаририлди.

Қишлоғимиз 50-йиллардан кейин посёлка тилида қайта қурилган. Қўчаларининг номлари ҳам ўзига хос: Муҳимин, Абай, Жамбул, Бирок Аччи... қишлоқ Советининг ўтган йилги сессиясида депутат сифатида қишлоқ Советининг номини ўзгариш кераклигини айтиб, унга Улуғ Батан урушидан кейинги йилларда хўжаликка узоқ вақт раҳбарлик қилган, марҳум Сафар Бўриев номини қўйиб ёни эски Алмибек номини билан атайилишни таклиф этдим. Лекин ижрокомитети айрим кишиларнинг эътиборсизлиги ёни лоқайдлиги тўғрисида кўпчилигининг таклифи амалга ошмай қолди кетди. Бу таклифга Тошкент об-ласт нисроия комитетидagi мутаассад ўртоқлар нима дейишаркин?

Т. МИРЗААХМЕДОВ.

«Аччи» қишлоқ Советининг депутати, ўқитувчи.

МУНОСИБ НОМЛАР ТИКЛАНСА

АВВАЛ ЎЙЛАБ

КЎРАЙЛИК

Мақола авторлари ҳаққоний таъкид қилганларидек, республикамиздаги тарихий номлар билан аталган кўчалар, даҳалар, эндиликда Ц-1, Ц-2, Марказ-17, Марказ-18 каби рақамлар билан ифодаланган. Илгариликлар Тошкентда Себор, Кўча, Бешқор, Шайхонда ҳур номли даҳалар, уларда эса турли атамадаги маҳалалар бўлган. Булар ўрнида ҳозир кўн қаватли бинолар қад кўтарган. Афсуски, ўша маҳалаларнинг номи Ц-1, Ц-2, Ц-3 каби рақамлар билан ўзгариб кетди. Агар рақамлар ёзилган турар йўлларга бориб, таниш-билишларингизни қидирсангиз топилаётган. Бошқа шаҳардан келган меҳмонлар, «тез ёриш» машинасида бемор уйини қидиришда ахиринчи бир тасаввур қилиб қўлингиз! Агар ўша ўзгаришлардан жойлар эски ном билан аталса, шундай қийинчиликлар бўлмас эди.

Маҳалла, кўчаларнинг номи ўзгаришида район, шаҳар ижроия комитетларининг раҳбарлари ўша маҳалла комитетлари ва меҳнат ветеранлари билан маслаҳатлашмайдилар. Масалан, Киров районидagi Ишчилар шаҳарчасидан ўтган Қисловский кўчасининг номи ўзгариб, полковник Хужаев, шунингдек Қосмонов кўчасига полковник Хамидов номи қўйилди. Тўғри, маъмур саркараларнинг Улуғ Батан урушида кўрсатган хизматлари, жасоратлари ҳар қанча таъсирчан бўлиб, лекин уларнинг ўзлари тўғрилиган экан, янгида шаклланиётган кўчаларга номи қўйилса яхши эмасми?

Тошкент шаҳридаги эски даҳалар, массивлар, тарихий маҳалаларнинг номи сақланиб қолиши керак. Асрлар давомида номи маъмур бўлган Чорсу, Хад-

Газета саҳифаларидида эълон қилинган мақолани қизикти билан ўқиб чиқдим. Менда ҳам баъзи фикр-мулоҳазалар, истаклар пайдо бўлди. Авторларнинг номлар хуусидидаги мўҳим фикрларига, янги тақлифларига тўла қўшмаман. Чинакам мазмунли номлар ҳақиқатан ҳам шаҳар, қишлоққа, кўча, бекатга салобат, гўзаллиги бахш этиб турарди.

Наманган шаҳридан чеккароқда «Бешкапа» кўчаси бор. Бирок унинг тарихини ҳеч ким билмайди. Бу ўрнида Закири, Нодира, Муҳимин, Х. Олимжон номи мактаб ва кўчалар борлиги эса кичини қувонтиради. Шундай экан, номларнинг лойилиларини қидириш, лойилиларини ўзгариш керак. Ном тайилда эса доно халқ билан бамаслаҳат иш тутилса, яхши бўлади. Мен Мамарасул Бобоев, Ҳабиб Нўрмонов, Воҳид Зоҳидов, Шотурсун Ғуломов, Ботир Зокиров каби халқ эъзола-ларини инсонлар номи абадийлаштирилиши истардим.

«Наманган ҳақиқати» газетасининг қишлоқ хўжалик бўлимида узоқ йиллар мудири бўлиб ишлаган шoir ва журналист Исмаил Нарзуллаевни кўпчилиги яхши танийди. Ўзим ҳам у кишидан ёшим сирларини ўрганганман. Унинг оламдан ўтганига бир неча йиллар бўлди. Ном эса бирор кўча, бекатга ҳам берилмади. Ахир, у кўп-кўп муҳбирларни тайёрлашда катта ҳисса қўшган эди. Ҳаракат қилинса, ахтарилиса, улуғ номлар топилаверади.

Ж. АХМАДЖОНОВ,
Наманган шаҳар парҳез таомлар ошхонаси ошпази.

Редактор

Л. ҚАЮМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

СССР Меҳнат ва социал таъминот давлат комитети илмий-тадқиқот институтининг Ўзбекистон филиали қошида

«ИНТЕЛЛЕКТ» ИЛМИЙ-КОНСУЛЬТАЦИЯ КООПЕРАТИВИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Маъмур кооператив аҳолига, корхона ва ташкилотларга пуллик илмий-консултациялар беради ҳамда қуйидаги йўналишларда амалий тавсияларни ўрганиш ва ишлаб чиқиш юзасидан буюртмаларни бажарлади:

— меҳнат ресурсларини бошқариш, тақомиллаштириш ва улардан об-ластлар, шаҳарлар, районларда оқилона фойдаланиш;

— корхоналарнинг касблар ва уларнинг ўрнини қоплаш йўналишлари (таъбирлари) бўйича малакали ишчи кадрларга истиқболли ахтиёрларини аниқлаш;

— профессорлар билан ишлаб чиқиш;

— корхоналарнинг меҳнат самарадорлигини ўстириш резервларини аниқлаш, тўла хўжалик ҳисобини, меҳнати ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг пудрат формаларини жорий этиш, корхона хўжалик фаолиятининг йўлларини топиш;

— социологик тадқиқотлар ўтказиш;

— ишлаб чиқаришни бошқаришнинг иқтисодий ва структура вазифаларини ҳал қилиш учун электрон ҳисоблаш машинасида фойдаланган ҳолда иқтисодий-математик моделлар, алгоритмлар ва программалар ишлаб чиқиш.

Бундан ташқари, кооператив босишга тайёрланган қўл-ёзма, монографиялар, дарсликлар, брошюраларни илмий таҳлил этиб ва тақриз қилиб беради, бажарилган илмий-тадқиқот ишларини экспертизадан ўтказиш, шунингдек, хўжалик юртишнинг янгича шароитларида меҳнат эконо-миса ва бошқарилган муаммолари бўйича лекциялар ўқитиш уштиради.

Буюртмалар қуйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4-уй. Телефон: 41-76-13.

ЎҚУВ, МЕДИЦИНА, ИЛМ-ФАН МУАССАСАЛАРИ, ЗАВОДЛАР ВА ФАБРИКАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТДА ҚУЙИДАГИ НОМЛАРДАГИ ОПТИКА ПРИБОРЛАРИ ПРОКАТА БЕРИЛАДИГАН АТЕЛЬЕ МАВЖУД:

Биолам Р-11, 14, 16, 17, Р-12, С-12, Д-12, 13, МВ-15, ММР-4, Л-21, МВ-200, Метам Р-1, Люма И-3, МССО микрооскопи;

ИМЦ 100х50, 150х50, МИН-4 асбобозлик микрооскопи, ОИ-9М, ОИ-19, ОИ-24 Бритишлари, МНФ-11 микрофотонасаддалари, АК-IV, АК-0-2V, АК-0-5V автоколлиматорлари, ИЗА-7 компаратори, ОДТ-20 бўлиш голокаси, ДМР-4, МДР-23 монохроматорлари, СФ-18, СФ-46, ИКС-29 спектрофотометрлари, ИСП-30, ДФС-452, СТ-91 спектрографлари, СЛ-12, СЛ-У, стилоскопи, ИФО-451 микрофотометрлари, ИВБ-28 генераторлари, КФК-26 калибриметрлари, ИРФ-454 В рефрактометрлари, теодолитлар ва нивелирлар, СКС-1 М кино-съемка камераси, УФС-281, 283 ослабителлари (нувоствизантиручилар) ва БРВ вақт релеси.

Приборларни ўзингиз олиб кетишингиз керак. 1989 йилда приборларни ремонтга ва техника хизмати кўрсатишга қабул қила оламиз.

Адрес: Тошкент, 700027, Халқлар дўстлиги кўчаси, 8-«А» уй, «Святиз» ательеси. Телефон: 45-45-53.

«Рассвет» марказий реклама-коммерция ташкилоти, «СОЮЗТОРРЕКЛАМА» БУТУНИТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университети рус тилини мукаммал ўрганишни хоҳловчилар учун пуллик кечки рус тили курсига

Министрликлар, бошқармалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари диққатига!

ВГО «Союзучетиздат»нинг ЎЗБЕКИСТОН БУЛИМИ

1989 йил бланкалари учун буюртмалар фақат буюртмачиларнинг қорозлари бўлган ҳолдагина қабул қилиниши

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Лимит (фонд)ни билиш учун Ўзбекистон ССР Госнабига мурожаат қилинади. Ҳама турдаги бланкалар учун об-ла 15 декабргача қабул қилинади.

ВГО «Союзучетиздат»нинг Ўзбекистон бўлими.

Ўзбекистон ССР Прокуратура коллективни прокуратуранинг масъул ходими Э. Жумаева онаси

Қизларой ХОЛИҚОВАНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия нэхор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қўблагани институтини коллективни институтнинг катта илмий ходими, филология фанлари кандидати Н. Раҳмоновга онаси

Фотима РАҲМОНОВАНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия нэхор қилади.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

СССР Сув хўжалиги министри қошидаги «Главредизроствозострой»нинг

«ИРСТРОИДУСТРИЯ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ТУГАТИЛАДИ

Давволар 23 декабргача қуйидаги адресда қабул қилинади: 700178, Тошкент шаҳри, Ғуломов кўчаси, 19-уй.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700063, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари: 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700063, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари: 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700063, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари: 33-21-43, 32-53-16, 32